

## Энг гўзал суратдаги адолат



09:11 / 29.03.2024 2446

**«Newcastle шахрига кўмир экспорт қилиш нақадар ҳайратланарли?»** деган бир латифа бор. Чунки ушбу шаҳар кўмир экспорти билан машҳурдир. Бундан ҳам ҳайратланарлиси нима эканини биласизми? Мен ҳозир сизларга бундан ҳам ажойибини айтаман. Араб бўлмаган мен каби ажам бир кишининг рисолат эгалари бўлмиш арабларга Рамазон хусусида гапиришидир!!! Мен ўзимга ўзим айтаман: нима учун Рамазон ойи милодий ой билан эмас, қамарий ой билан рўза тугилади? Жавоб шуки, Аллоҳ таоло барча одамларга ҳамма мавсумда рўза тутишни тажриба қилиб кўриш фурсатини берди. Агар рўза қуёш тақвимига мувофиқ бўлганида, шимолда яшовчи мусулмон ҳар йили Рамазон рўзасини қийналмасдан, қиш фаслида тутар эди. Аммо жанубда яшовчи мусулмон ҳар йили ёзда қийинчилик ва машаққатда тутар эди. Қамарий тақвимга кўра эса ҳар бир инсон гоҳида рўзани қишда тутарди, гоҳида ёзда тутарди. Бу энг гўзал суратдаги айти

адолатдир.

**Аҳмад Дийдот раҳимаҳуллоҳ**